

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 153 (1752), 2026 йил 30 июль, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “КЕЛАЖАК ЎЙИНЛАРИ”НИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 29 июль куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари Остона шаҳрида “Келажак ўйинлари” учинчи халқаро мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

“Барис Арена” муз саройида ўтказилган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти

Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва бошқа хорижий меҳмонлар ҳам қатнашди.

Маросим иштирокчиларига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин видеомурожаат йўллади.

Тадбирнинг тантанали қисмида физитал-спортнинг мазмун-моҳияти, яъни рақамли беллашувларни анъанавий спорт турлари ҳамда жисмоний фаоллик билан бирлаштирувчи йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Мусобақанинг гоёси ёшларни анъанавий спорт билан шугулланишга даъват этишдир.

Давлатимиз раҳбари халқаро турнир иштирокчиларини қутлади.

Шу куни спорт ва технологиялар вазирлари, дипломатик миссиялар раҳбарлари ҳамда бошқа юқори мартабали вакиллар иштирокида физитал-спорт бўйича саммит ҳам бўлиб ўтди.

Биринчи “Келажак ўйинлари” 2024 йили Қозон шаҳрида ўтказилган. Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этган эди. Иккинчи турнир эса 2025 йилда Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтди.

Бу галги мусобақаларда Ўзбекистон вакиллари физитал-футбол, лазертаг ва рақс йўналишлари бўйича беллашади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ҚИРҒИЗИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 30 июль — 1 август куллари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, sanoat кооперациясини кенгайтириш, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиқни ҳамда маданий-гуманитар алмашинувларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Саммит якунлари бўйича Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар тўпламини имзолаш режалаштирилган.

Ташриф дастурига мувофиқ, Президентимиз Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг норасмий Маслаҳат учрашуви ва бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши кўзда тутилган.

ЎЗА

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ФАЛСАФАСИ

Телефонимиздаги овозли ёрдамчи биз нима сўраганимизни “тушунади”, қидирув тизими фикримизни олдиндан “пайқайди”, сунъий интеллект дастурлари эса шегъ ёзиб, расм чизади, биз билан суҳбат қурди. Аммо бу “ақлли” машинадан ортда инсониятни азалдан қийнаб келган савол турибди: ақл, онг ва тушуниш аслида нима? Машина ҳақиқатан ҳам ўйлай оладими ёки шундай кўринадими? Сунъий интеллект фалсафаси ана шу саволларга жавоб излайди.

Инсон азалдан ўзига ўхшаш “ақлли” мавжудот яратишни орзу қилиб келган. Қадимги афсоналардаги жонланттирилган ҳайкаллар, ўрта асрлардаги механик кўгирчоқлар — буларнинг барчаси бир интилишнинг турли кўринишлари эди: жонсиз материяга ақл ва ҳаёт бахш этиш.

XXI асрда бу орзу мутлақо янги босқичга кўтарилди. Энди биз афсона ёки илмий фантастика эмас, балки ҳар кунги ҳаётимизга кириб келган реал технология ҳақида сўз юритялмиз. Сунъий интеллект тиббиётда ташхис қўяди, автомобилни бошқаради, матини таржима қилади, мусиқа басталайди. Унинг қобилиятлари ошган сари бир савол тобора кескинроқ янграмоқда: чиндан ҳам “ўйлайдиган” техника яратилдими ёки у шунчаки ўйлашга усталик билан тақлид қиладиган мурракаб ҳисоблагичми?

Мана шу саволни ўртага ташлаган заҳоти биз техника оламида фалсафа оламига қадам қўямиз. Сунъий интеллект фалсафаси техник фан эмас, балки инсоннинг энг қадимий саволларини — “Ақл нима? Онг нима? Инсонни инсон қиладиган хусусият нима?” — бутунлай янги шароитда қайта кўриб чиқадиган интеллектуал соҳадир.

➤ Давоми 5-бетда

ДУЙШЕНҚУЛ ЧОТОНОВ: “ҚИРҒИЗИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИНИ ШАКЛЛАНТИРМОҚДА”

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи арафасида Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Дуйшенқул Чотонов “Дунё” АА мухбирига эксклюзив интервью берди.

— Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи икки томонлама кун тартибидagi муҳим воқеалардан бири сифатида кўрилмоқда. Сизнингча, қандай янги келишувлар Ўзбекистон — Қирғизистон кенг қамровли стратегик шериклигининг янада ривожланишини белгилаб беради?

— Шубҳасиз, Ўзбекистон Президенти, муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга бўлажак давлат

ташрифи ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамиятга эга. Ишончимиз комилки, бу муҳим воқеа Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатларида янги босқични очиб беради ҳамда ишонч, стратегик яқинлик ва умумий манфаатларга асосланган ҳамкорликнинг янги архитектурасини шакллантиришга хизмат қилади.

➤ Давоми 2-бетда

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

МАҲАЛЛА ФЕНОМЕНИ: ТАРИХ, ИСЛОҲОТ ВА ЮКСАЛИШ МУТАНОСИБЛИГИ

(Биринчи мақола)

Маҳалла ҳақида гап кетганда, кўпинча баландпарвоз таърифлар айтилади. Аслида эса бу сўзнинг маъноси жуда оддий бир манзарада кўринади: эшигидан чиққанида кекса кишига салом бериб ўтадиган қўшни, кечалари йўлларни ёритиб турган чироқ, ишсиз аёлга касб ўргатаётган ўқув маркази, оғир аҳволдаги оила ҳолидан хабар олаётган ижтимоий ходим. Маҳалла ҳақидаги ҳар қандай катта фикр охир-оқибат шу кичик манзаралар билан ўлчанади.

Барчаси остонадан бошланади

2026 йилнинг Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб эълон қилинишидаги энг катта маъно ҳам шунда. Бу ном маҳалла ҳақида яна бир бор гапириш учун эмас, ислохотларнинг натижасини инсон ҳаётида кўриш учун берилган. Чунки давлат қарорлари марказда қабул қилинса-да, қувват қуйи бўғинда — маҳаллада синалади. Қонуннинг адолати, хизматнинг қулайлиги, ижтимоий ёрдамнинг маъзиллиги, тадбиркорликка яратилган имконият — барчаси хонадон остонасида ўз баҳосини олади.

Илгари кекса нафақахўрлар имконияти чекланганини тасдиқлаш учун идорама-идора юрар, бир ҳужжатни йиғишга ойлар кетарди. Энди маҳаллага ижтимоий ходим бириктирилгани туфайли керакли кўмак унинг олдига келмоқда. Бу ерда гап бир кишига берилган



Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

нафақа ёки бир марталик ёрдам ҳақида эмас. Гап давлатнинг инсонга муносабати ўзгаргани, фуқаро идора эшигида сарсон бўлмай, хизмат унинг яшаш жойига яқинлашгани ҳақида.

Шу нуқтадан қараганда, маҳалла ислохоти ободончилик дастуридан анча кенг. У давлат бошқарувини инсонга яқинлаштириш, иқтисодий имкониятни ҳудудга олиб кириш, оила ва жамоа

барқарорлигини мустаҳкамлаш, жамоатчиликни қарор қабул қилишга жалб этиш жараёндир. Шу жараённинг кўлами, мазмуни ва ҳали ечим қутаётган масалалари ҳақида фикр юритишни мақсад қилдик.

➤ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини юртимизда кенг нишонланаётган кутлуг айём — Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан самимий муборақбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу қувончли байрамда кўп миллатли халқимизнинг олижаноб интилишлари, амалий ҳаракатлари билан жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва озо-йишталик, миллатлар ва динлараро дўстлик, бағрикенглик ҳамда ҳамжиҳатлик бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз эканини янада чуқур ҳис этамиз.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари бир оила фарзандлари каби аҳил ва иноқ яшаб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаятганини барчамиз юксак қадрлаймиз.

Гоёт ноёб ижтимоий ҳодиса бўлган бундай миллий-маданий хилма-хиллик Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин ва фаровон яшайдиган инсонпарвар давлат сифатидаги ўрни ҳамда нуфузини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Кейинги йилларда “Бизнинг кучимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда” деган эзгу гоё асосида юртимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг ўзига хос ибратли моделини яратганимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Хозирги вақтда миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга ошираётган ислохотларимиз кўлами тобора кенгайиб, сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Бу борада қабул қилинган 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, Миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати концепцияси фаолиятимиз самарасини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда кўркам биноларда фойдаланган 157 та миллий маданий марказ ва 46 та дўстлик жамиятнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ушбу масканларда ўтказилаётган умуммиллий байрамлар, дўстлик кечалари, фестивал ва учрашувлар мамлакатимизнинг маданий қиёфасини белгилайдиган муҳим маърифий тадбирларга айланиб бормоқда.

Юртимиздаги таълим муассасаларида ўқув жараёnlари етти тилда олиб боришда, қардош тиллардаги мактаблар давлат ҳисобидан дарслик ва адабиётлар билан таъминланмоқда. Телерадиоканаллар орқали 12 тилда кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилмоқда, 14 тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда.

Ўтган йили Халқлар дўстлиги куни арафасида пойтахтимизда очилган Миллий маданий марказларнинг павилининг халқаро жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилиб, кўплаб хорижлик меҳмонлар ҳам ташриф буюрадиган масканга айланди.

Пойтахтимиздаги “Янги Ўзбекистон” парки ҳудудида “Бағрикенглик боғи”, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда этно ва сайёҳлик қишлоқлари ташкил этилгани мазкур йўналишдаги фаолиятни кенгайтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Тури миллиатга мансуб юртдошларимиз орасида ўнлаб депутат ва сенаторлар, давлат ва жамоат арбоблари, таниқли ишлаб

чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт намоёндалари, бизнес вакиллари муносиб фаолият кўрсатаётгани, уларнинг 2 минг нафарга яқини Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан таъдирлангани мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий тенглик, адолат ва инклюзивликнинг амалий намунаси десак, тўғри бўлади.

Муҳтарам юртдошлар! Бепойё Марказий Осиё минтақаси халқларининг қадимдан муштарак мақсадлар асосида яшаб, меҳнат қилиб, тараққиёт борасида қандай улкан натижаларга эришганлари, бундай эзгу анъаналар кейинги йилларда янада кучайиб, янги босқичга кўтарилаётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Биз қўшни давлатлар билан дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатларимизни мустаҳкамлаб, стратегик шериклик ва иттифоқчиликни янада ривожлантирмоқдамиз.

Халқларимиз ўртасида эркин борди-келдилар, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар кенгайиб, янгича маъно-мазмун билан бойиб бораётгани, бундай ҳаёббахш жараёнларда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни ва ҳиссаси борлиги айниқса диққатга сазовор.

Сўнгги йилларда сизлар билан, эл-юртимиз билан биргаликда халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида эришган ютуқларимизни янада бойитиш биз учун бундан буён ҳам бош вазифа бўлиб қолади.

Барчамиз яхши биламиз, турли миллат вакилларини ўзаро яқинлаштиришда санъат ва маданият ҳамиша маънавий кўприк вазифасини бажариб келган. Ҳар қайси миллатнинг бетакор санъатини аини шу асосда ривожлантириш бу — умумбашарий бирлик ва аҳилликка олиб борадиган энг ишончли йўлдир.

Шу мақсадда мамлакатимизда турли миллат ва элат вакилларидан таркиб топадиган профессионал “Дўстлик” ансамблини ташкил этишни режа қилганимиз ва бунинг учун барча шароитларни яратиб берамиз.

Ўйлайманки, мазкур янги ижодий жамоа ана шундай қулай муҳитда шаклланиб ва ривожланиб, мамлакатимиз маданий ҳаётида албатта муносиб ўрни эгаллайди.

Қадрли дўстлар! Ҳеч қачон унутмайлик, халқлар дўстлиги бу — муқаддас инсоний қадрият, тинч, эркин ва фаровон ҳаёт гаровидир. Бугунги кунда барчамиз ўзимиз, оиламиз, фарзандларимизнинг бахти, жонажон Ўзбекистонимизнинг тақдири ва келажаги учун ягона халқ, ягона жамият бўлиб ҳаракат қиладиган эканмиз, юксак мақсадларимизга албатта етамиз.

Сиз, азизларни, бутун халқимизни 30 июль — Халқлар дўстлиги куни билан яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Барчангизга сихат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт, мамлакатимиз равнақи йўлидаги олижаноб фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Ўзбекистонимиз доимо тинч ва барқарор бўлсин, биргаликдаги фидокорона меҳнатимиз билан янада гуллаб-яшнасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

► Бошланиши 1-бетда



A group of women in traditional Albanian folk costumes, including red vests and white headscarves, standing outdoors.

“Дунё” АА
Бишкек шаҳри

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Наим ОБЛОМУРОВОД, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Қадимий жамоадан замонавий институтгача

Маҳалла — халқимиз ҳаётига кеча кириб келган тушунча эмас. Наршахий Бухоро гузарлари ва жамоалари ҳақида ёзар экан, одамларнинг касб-кори, яшаш жойи ва ўзаро алоқалари муайян ҳудудий бирликлар атрофида шаклланиганини қайд этади. Алишер Навоий маҳаллани “шаҳар ичра шаҳарча” деб атагани бежиз эмас: маҳалла шаҳарнинг бир қисми бўлса-да, унда ўзининг маънавий муҳити, қўшничилик тартиби ва жамоавий хотираси бор.

Ариқ тозалаш, ҳашар, тўй-маъракаи мувофиқлаштириш, етим-есирдан хабар олиш, низои мурося билан ҳал этиш каби ишлар маҳаллада давлат идорасидан олдин пайдо бўлган ижтимоий масъулият шаклларидир. Маҳалла ана шу таърибга тўғайли халқнинг кундалик ҳаётига чуқур сингди. Шу билан бирга, унинг тарихини бир текис ва фақат ижобий жараён сифатида тасвирлаш тўғри эмас. Турли даврларда маҳалла ҳам ҳамжиҳатлик макони, ҳам ижтимоий назорат воситаси бўлиб келган. Демак, бугунги ислохотлар анъанани кўр-қўрона қайтариш эмас, уни ҳуқуқ, инсон қадри ва замонавий хизматлар билан бойитишдир.

Мустақилликдан кейин маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти сифатида ҳуқуқий мақом олди. Конституция уни давлат ҳокимияти тизимига кирмайдиган, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қиладиган тузилма сифатида белгилайди. Шу қисқа тарихий мазмунот бугунги асосий хулосага олиб келади: маҳалла ўтмишдан мерос қолган рамз эмас, янги вазифаларни бақараётган тирик институтдир.

Фаровонлиқнинг ҳақиқий макони

Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар юқоридан берилган вазифалар мажмуаси бўлиб қолмай, ҳудуддаги аниқ муаммолар билан боғланмоқда. Илгари аҳоли учун энг оғир масалалар — ишсизлик, ичимлик сув, йўл, газ, электр, уй-жой, ижтимоий нафақа бир-биридан узилган идоралар иши сифатида кўриларди. Энди уларни бир хонадон, бир кўча ва бир маҳалла доирасида кўриш талаби кучайди.

Бу ёндашувнинг сиёсий мазмуни бор. Давлат “мен хизмат кўрсатяпман” деган умумий баёнот билан чекланмай, қайси ҳудудда қайси муаммо борлигини билиши ва натижа учун масъул бўлиши керак. Маҳалла эса муаммони юқорига узатиб қўювчи манзил эмас, ечимни шакллантиришда иштирок этувчи субъектга айланмоқда. Шунинг учун маҳаллабай ишлашни навбатдаги ташкилий кампания эмас, бошқарув маданиятидаги ўзгариш деб баҳолаш керак.

2021 йилдан бошлаб маҳаллабай ишлаш тартибида идораларнинг ҳудудий ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Йўлни таъмирлаш билан бандликни, ижтимоий ёрдам билан касбга ўқитишни, ободончилик билан экологик тарбияни бир дастурда кўриш имкони пайдо бўлди. Бир қарашда бу оддий мувофиқлаштиришдек туюлади. Аслида у давлат органларининг иш усулини ўзгартиради: ҳар бир идора ҳисоботини эмас, маҳалланинг умумий натижасини ўйлаши лозим.

Бу жараёнда жамоатчиликнинг роли ҳам ортиб бормоқда. Қайси кўча таъмирланади, қайси объект биринчи навбатда қурилади, ёшлар учун қандай курс очилади, хотин-қизларнинг қайси ташаббуси қўллаб-қувватланади — бундай қарорлар аҳоли иштирокисиз барқарор бўлмайди. Маҳалла ислохотининг биринчи талаби будир: одамлар ўз ҳудуди тақдирига дахлдорлигини ҳис қилсин.

Рақамлар мақсадга айланмаслиги керак

“Маҳаллабай” сўзи сўнгги йилларда расмий ҳужжатлардан кундалик бошқарув

тилига кирди. Аммо унинг мазмуни фақат хонадонма-хонадон маълумот тўплашдан иборат эмас. У ҳудуддаги инсон, оила, тadbirkor ва жамоат институти билан бир вақтнинг ўзида ишлашни аниқлатади. Бу усулнинг самараси ҳодимлар сони ёки ўтказилган учрашувлар билан эмас, муаммонинг қай даражада бартараф этилгани билан баҳоланади.

Масалан, ишсиз ёшга “иш топиш керак” деб маслаҳат бериш осон. Лекин унинг қайси касбга мойиллиги, оилавий шароити, йўл ҳақи, ўқиб муддати ва бозордаги талаб ўрганилмаса, бу маслаҳат қогозда қолади. Маҳаллабай ёндашув шу саволларни бир тизимга йиғади: касбга ўқитиш, асбоб-ускуна, микрокредит, иш бевуви билан боғлаш ва натижани кузатиш. Ҳоким ёрдамчисининг вазифаси ҳам шу нуктада ўзгаради — у маълумот бевуви эмас, маҳалладаги иқтисодий имкониятни ҳаракатга келтирувчи мутахассис бўлиши керак.

Бироқ маҳаллабай ишлашни қўшимча ҳисоботлар билан оғирлаштириб қўйиш хавфи бор. Агар ҳар бир учрашув, ҳар бир хонадон ва ҳар бир телефон қўнғироти алоҳида жаҳдвалга айлansa, масъул ходим инсоннинг муаммосига эмас, кўрсаткичга хизмат қила бошлайди. Шу боис рақамлар қарор қабул қилиш воситаси бўлиши, мақсаднинг ўзига айланмаслиги керак.

Маҳаллабай ишлашда учта талаб муҳим. Биринчиси — маълумотнинг ҳаққонийлиги. Иккинчиси — идоралар ўртасида вазифанинг аниқ тақсимланиши. Учинчиси — фуқаронинг муаммоси ёпилганидан кейин унинг ҳолидан яна хабар олиш. Йўл қурилди, кредит берилди, нафақа тайинланди деган маълумотнинг ўзи етарли эмас. Йўл қачонгача хизмат қиладди? Кредит олган оила даромадини оширдими? Нафақа олувчи ўзини ҳимояланган ҳис қилиятими? Ислохотларнинг ҳақиқий саволи мана шу.

Бошқарув маданияти

Бугунги маҳалла тизимида раис, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, прокатчилик инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ вакилидан иборат ҳамкорлик механизми шаклланди. Бу таркибни оддий маъмурий жамоа деб тушуниш камлик қиладди. Унинг олдида турли соҳа муаммоларини бир маҳалла манфаати атрофида бирлаштириш вазифаси қўйилган.



Маҳалла раиси аҳоли ишончини, ҳоким ёрдамчиси иқтисодий имкониятини, ёшлар етакчиси авлоднинг интилишини, хотин-қизлар фаоли оила ва меҳнат масалаларини, прокатчилик инспектори хавфсизлигини, ижтимоий ходим эҳтиёжманд инсоннинг ҳолатини, солиқ вакили эса иқтисодий интизомни кўради. Агар улар бир-биридан узилган ҳолда ишласа, “маҳалла еттилик” фақат номига қолади. Агар маълумот алмашса, қарорни биргаликда муҳокама қилса ва ҳар ким ўз вазифаси учун жавоб берса, у маҳаллий бошқарувнинг амалий марказига айланади.

Бу тизимда коллегиялик муҳим. Бир кишининг фикри бутун оила тақдирини ҳал қилмаслиги керак. Ёрдам бериш, кредит тавсия қилиш, профилактика чора кўриш ёки низоли вазиятга аралашишда аниқ мезонлар бўлиши шарт. Акс ҳолда жамоавий қарор деган ниқоб остида субъектив ёндашув пайдо бўлиши мумкин.

“Маҳалла еттилиги”нинг кучини фақат ваколатлар қўлайиши билан эмас, унинг мулоқот маданияти билан ўлчаймиз. Уларнинг йиғилиши расмий баённома учун эмас, муаммонинг сабабини тушуниш учун ўтиши керак. Қайси оила нега камбағал? Қайси ёш

(Биринчи мақола)



нега ишсиз? Негар бир маҳаллада оилавий низолар кўпайган? Нима учун баъзи кўчаларда ободлик ишлари узоқ сақланмайдиган? Ана шу саволларга биргаликда жавоб излангандагина янги бошқарув маданияти шаклланади.

Президентимиз раҳбарлигида 2026 йил 16 июлда ўтказилган видеоселектор маҳалланинг субъектлик мақомини амалий тартиб билан мустақамлади. Жорий йилда туманларга ўртача 250 миллиард, маҳаллаларга 5,5 миллиард сўмдан ресурс берилгани, маҳалла бюджетларига ўртача 150-200 миллион сўм тушгани қайд этилди. Давлатимиз раҳбарининг “етишмасдан жижат — масъулият ва ташаббускорлик”, деган хулосаси янги мезонни белгилади: раис “еттилик” аъзоларининг режаларини тасдиқлайди, аниқ вазифа қўяди ва натижани сўрайди.

Камбағалликни қисқартириш: рўйхатдан чиқариш эмас, имкониятга олиб чиқиш

Камбағаллик билан курашда энг катта хато — кам таъминланган оилани фақат рўйхатдаги рақам сифатида кўриш. Оиланинг

Камбағалликни қисқартириш сиёсатида яна бир муҳим мезон бор: инсоннинг қадри. Ёрдам олувчини доимий назорат объектига айлантириб қўйиш мумкин эмас. Унинг розилиги, шахсий маълумоти ва танлов ҳурмат қилиниши керак. Ижтимоий ҳимоя одамни пассив қабул қилувчи эмас, ўз ҳаётини ўзгартиришга қодир субъект сифатида кўргандагина узоқ муддатли натижа беради.

Ободлик манзараси

Ободлик ҳақида гап кетганда, кўз олдимизга янги фасадлар, асфальтланган кўчалар, замонавий маҳалла бинолари келади. Булар муҳим. Аммо ободликнинг ҳақиқий маъносини одамнинг кундалик машаққати камайганида намоён бўлади. Жўмрақдан сув оқса, бола яқин мактабга борса, кекса инсон дорихонага етиб олса, аёл ишлаш учун узоқ туман марказига қатнамаса — мана шу ўзгаришлар ободликнинг тирик мазмунидир.

Ободликнинг таъсири ташқи қиёфадан кўра кундалик турмушда қуринади: электр, сув, кутубхона ва касб маркази, хавфсизлик, саломатлик ҳамда даромадга хизмат қилиши керак. 2026 йил 16 июлда “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлigni”

ёшлон қилиниб, уни йил давомида ишлайдиган умумийлиги ҳаракатга айлантириш белгиланди. “Энг ораста хонадон”, “Энг обод кўча” ва “Энг намунали маҳалла” мезонлари эса жамоавий масъулиятни рағбат беролмайди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида йўл, сув, электр, газ, кўча ёритиш ва ижтимоий объектларга катта маблағлар йўналтирилди. Энди асосий вазифа қурилган объектларни сақлаш, хизмат сифатини назорат қилиш ва маҳаллий жамоани бу жараёнга жалб этишдир. Қурилган сув тармоғига ким хизмат қиладди? Янги спорт майдончаси хавфсизлиги кимнинг зиммасида? Кутубхона фонди қандай тўлдирилади? Бу саволлар дастурдан кейинги бошқарув маданиятини белгилайди.

Обод маҳалла дастури ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигини инobatта олса, самараси ортади. Чет ҳудудда сув ва йўл биринчи ўринда бўлиши мумкин, шаҳарда эса кўп қаватли уйлари бошқарини, авто-тураргоҳ, чикинди ва жамоат хавфсизлиги устувор. Бир хил қўлиб ҳамма жойда бир хил натижа бермайди.

Фуқаронинг қарордаги ўрни

Маҳаллада молиявий мустақиллик масаласи кун тартибига киргани тасодифий эмас. Фуқаро тўлаган солиқнинг бир қисми ўз кўчасига, ўз боласининг мактабига, ўз ҳудудининг ободлигига қайтиб келса, давлат ва жамоа ўртасидаги алоқа аниқроқ кўринади. 2021 йилдан бошланган “Ташаббусли бюджет” жараёни одамларни инфратузилма муаммосини фақат шикоят билан эмас, лойиҳа ва овоз билан ҳал этишга ўргатди.

2026 йилда “Ташаббусли бюджет” учун 7,5 триллион сўм ажратилганига қарамай, 2136 та маҳаллада бирорта лойиҳа ғолиб бўлмади. Бу фуқаролик сафарбарлиги ва лойиҳа тайёрлаш салоҳиятидаги тафовутни кўрсатади. Овоз беришдан олдин очиқ муҳокама, техник маслаҳат ва ижтимоий таъсир баҳоси бўлса, қўпчилик танлови заиф гуруҳлар эҳтиёжини ҳам қамраб олади.

2026 йилда маҳалла бюджетининг даромад базаси кенгайди: солиқ улушлари оширилиб, айрим жарима ва бўш объектлардан тушумлар маҳалласида қолдирилди. Натижада тушум жорий йилда 1,6 триллион, келаси йилдан 2 триллион сўмга етиши, энг юқори натижа кўрсатган 200 маҳаллага 2 миллиард сўмдан рағбат берилиши кутилмоқда. Молиявий мустақиллик тенглаштирувчи трансферт, очик бюджет ва жамоатчилик аудити билан мувозанатланиши шарт.

Молиявий мустақилликни раиснинг ихтиёридаги маблағ деб тушуниш мумкин эмас. Маҳалла жамоармаси аҳолининг умумий ресурси. Унинг даромади, харажати, лойиҳаси ва натижаси фуқарога тушунарли шаклда эълон қилиниши керак. Қайси лойиҳа нега танлангани, қанча маблағ сарфлангани ва объектдан ким фойдаланаётганини очиқ бўлса, маҳалла бюджети жамоатчилик ишончининг мактабига айланади.

Қулайлик, тезкорлик ва эҳтиёткорлик

Рақамли технологиялар маҳалла тизимига кириб келатгани табиий жараён. Янги платформа мурожаатларни қабул қилиш, тоифаларга ажратиш, масъул идорага йўналтириш ва ижрони кузатиш имконини беради. Сунъий интеллект ёрдамида қизил, сарик ва яшил даражаларга ажратиш раҳбарга қайси муаммо кечиктириб бўлмаслигини кўрсатиши мумкин.

Рақамлаштиришнинг қиймати тезликда эмас, адолатда. 184 та маҳаллада бир ойдаги 2 минг аризнинг барчаси ижтимоий реестрга кириштириш бўйича асоссиз рад этилгани, Президентга мурожаатлар 30 мингдан 46 мингга кўпайгани қарор устидан шикоят қафолати нақадар муҳимлигини кўрсатди. Автоматик қарор инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, офлайн хизмат сақлаишиш ва реестр ҳаққонийлиги назорат қилиниши лозим.

Маҳалла рақамли платформасини шахсий ҳаёт дахлсизлиги масаласини ҳам кун тартибига чиқаради. Оиланинг даромади, солиғи, ногиронлиги, низои ёки ижтимоий ҳолати ҳақидаги маълумотлар хизмат кўрсатиш учун зарур бўлиши мумкин, аммо улар оммавий назорат воситасига айланмаслиги керак. Фуқаро қайси маълумоти сақланаётганини, ундан ким фойдаланаётганини ва қарор устидан қарерга шикоят қилиш мумкинлигини билиши лозим.

Рақамли КРІ тизими ҳам инсоний мулоқотни алмаштирмаслиги керак. Тизимда мурожаат ёпилиди деган белги ишонч тикланди, дегани эмас. Инсон билан юзма-юз гаплашиш, ҳолатни тушуниш, баъзан бир оғиз тасалли бериш ҳам ижтимоий хизматнинг бир қисми. Технология бошқарувни тезлаштиради, аммо меҳр ва ишончни фақат инсоннинг ўзи яратлади.

Оила, хотин-қизлар ва ёшлар

Маҳалла ислохотларини фақат иқтисодий ва инфратузилмавий рақамлар билан ўлчаб бўлмайди. Оиладаги муҳит, хотин-қизнинг меҳнатдаги ўрни, ёшнинг бўш вақти ва келажакка ишончи маҳалла барқарорлигининг энг нозик кўрсаткичларидир. Оилавий низо кучайган жойда фақат профилактика баённомаси билан чекланиш етарли эмас: психологик ёрдам, ҳуқуқий маслаҳат, иш ва даромад имконияти ҳам керак.

Хотин-қизлар учун касб марказлари ва оилавий нодавлат боғчалар бир вақтда аёлининг малакаси ва даромадини оширади, болани таълимга қамраб олади, оиладаги ижтимоий босимни камайтиради. Демак, маҳалладаги ижтимоий сиёсат илтифатлар йиғиндисини эмас, бандлик, таълим, парваршиш ва ҳуқуқий ҳимояни бirlaштирган тизим бўлиши керак.

Ёшлар билан ишлашда ҳам худди шу ёндашув зарур. Спорт майдончаси кўриш мумкин,

лекин унинг атрофида китобхона, касб курси, рақамли хизмат ва тadbirkorлик имконияти бўлмаса, ёшларнинг бўш вақти тўлиқ мазмун касб этмайди. Ёшлар етакчиси фақат тadbirkor ташкил қилувчи эмас, маҳалладаги ёш авлоднинг қизиқиши ва имкониятини иқтисодий ҳамда маънавий ресурсга айлантирувчи шахс бўлиши лозим.

Хотин-қизлар фаоли ҳам фақат рўйхат юритувчи эмас. У уйда ўтирган аёлининг касбга қизиқишини, оилавий зўравонлик хавфини, саломатлик ва таълим эҳтиёжини кўра олиши керак. Бунинг учун унинг ҳуқуқий ва психологик тайёргарлиги, идоралар билан тўғридан тўғри ишлаш имкони кучайтирилиши зарур. Маҳалланинг ижтимоий қиёфаси унинг ижтимоий кўмакка муҳтож инсонга қандай муносабатда бўлиши билан билинади.

Хавфсиз муҳит ва профилактика

Маҳаллада хавфсизлик деганда фақат жиноят статистикасининг пасайиши тушунилмаслиги керак. Хавфсиз муҳит ёшнинг кўчада ўзини эркин ҳис қилиши, аёлининг зўравонлиқдан ҳимоялангани, низо вақтида мурожаат қиладиган жой борлиги, интернетдаги алдовлардан огоҳлик, йўл ва кўча ёритилиши таъминланганидир.

Профилактикага илмий методика, видеокузатув, ёнкамера ва рақамли баённома кириб келмоқда. Қримноген вазияти оғир 1162 та маҳалланинг 571 тасида 2026 йилда жиноят содир этилмагани комплекс ёндашув самарасини кўрсатади. Лекин ишсизлик, оилавий низо, таълимдан узилиш ва психологик муаммолар “еттилик” ҳамкорлигида бартараф этилмаса, рақамли назорат барқарор хавфсизликка айланади.

2026 йилда илк бор жиноят содир этган, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳуқуқбузарлар билан боғлиқ айрим ҳолатларда маҳалла кенгашининг тавсияси ва жамоага қайта мослаштириш масаласига эътибор кучайтирилмоқда. Бу ёндашув жазони инкор қилмайди, лекин инсонни бир марта хатоси билан умрбод тамгалашдан сақлайди. Маҳалла уни назорат қилиш билан бирга, таълим, касб ва ишга йўналтириши керак.

Шу ерда ҳуқуқий қафолат масаласи муҳим. Жамоа фикри суд қарорининг ўрнини босмаслиги, маҳалла кенгаши шахсини камситмаслиги, профилактика номи билан шахсий ҳаётга асоссиз аралашилмаслиги шарт. Инсонни жамиятга қайтариш — катта масъулият; бу вазифа фақат яхши ният билан эмас, аниқ қонда ва профессионал ёрдам билан бажарилади.

Ҳар бир ҳудуднинг драйвери бор

Янги босқичда маҳалла иқтисодий ривожланишининг энг кичик, аммо энг таъсирчан ҳудудий бирлиги сифатида қўрилмоқда. Бунинг сабаби оддий: катта туман ёки шаҳар статистикаси ортида қайси кўча, қайси касб, қайси оила ва қайси имконият борлиги маҳалладан яхшироқ кўринмайди. Шунинг учун маҳаллаларни бир хил лойиҳага мажбурлаш эмас, уларнинг табиий ва инсон ресурсларига мос ихтисослаштириш самаралироқ.

Маҳалла иқтисодиётида натижа кредит миқдори билан эмас, ташаббуснинг оммалашishi билан ўлчанади. 110 минг микролойиҳа 259 минг кишини ишли қилган бир пайтда 47 маҳаллада атиги иккитадан лойиҳа ишга тушган. Демак, раис ва банкир маҳалланинг “ўсish нуктаси”ни аниқлаб, хомашёдан бозоргача бўлган занжирни ташкил этиши зарур.

Маҳалладаги иқтисодий драйвери топиш учун фақат ер ёки кредитнинг ўзи етарли эмас. Бозор, логистика, сув, электр, сақлаш, қадоқлаш, маркетинг ва рақамли савдо занжир ҳам ўйланishi керак. Хунармандлик маҳалласига сайёҳлик йўналиши, чорвачилик ҳудудига ветеринария ва қайта ишлаш, хизмат кўрсатишга ихтисослашган маҳаллага замонавий инфратузилма зарур.

Банклар билан ҳамкорлик кредит тарқатишдан иқтисодий ҳамроҳликка ўтмоқда. Оилавий тadbirkorликка қўшимча 2 триллион сўм ажратилиб, “оғир” тоифали маҳаллаларда ставка 17,5 фоиздан 12 фоизга туширилди, банкирлар кўпи билан учта маҳалла бириктирилиб, иш ўрни ва даромад бўйича КРІ белгиланади. Минг маҳаллада “етиштириш — қайта ишлаш — сақлаш — қадоқлаш — сотиш” занжирини йўлга қўйиш кредитни бозор билан боғлайди.

Иқтисодий фаол маҳалла билан имконияти чекланган маҳалла ўртасидаги фарқни камайтириш эса давлатнинг вазифасидир. Молиявий мустақиллик ва маҳаллий ташаббус тенглаштирувчи механизмлар билан қўллаб-қувватланмаса, кучли ҳудуд янада илгариллаб, заиф ҳудуд ортда қолиши мумкин.

4 Янги Сергели кўчасининг 2,1 километр қисмидаги инфратузилма объектлари тўлиқ янгилангач, ҳудуддаги савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари 24/7 режимида ишлашга ўтказилган.

Бунёдкорлик

ва ривожланишда илдамлаётган сергели



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

Президент ташрифидан сўнг

Давлатимиз раҳбари жорий йил 4 июль куни Сергели туманига ташрифи доирасида ҳудудни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш юзасидан топшириқ ва кўрсатмалар берган эди. Ушбу манзилга бориб, мазкур вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишларни ўз кўзимиз билан кўрдик.

Дастлаб туман ҳокимлиги биносида бутунлай янгича усул ва тартибда иш бошлаган “Смарт қабулхона” фаолияти билан танишдик. Сунъий интеллект технологияларига асосланган ушбу қабулхона давлат хизматларини рақамлаштириш ва аҳоли муурожаатлари билан ишлаш сифатини тўбдан яхшилашга қаратилган.

“Смарт қабулхона” — фуқароларнинг муурожаатларини қабул қилиш, уларни сунъий интеллект ёрдамида автоматик таҳлил этиш ҳамда масъул ходимлар билан сониялар ичида тўғридан тўғри (видео ва овозли) алоқа ўрнатиш имконини берувчи интерактив платформадир. Масъулларнинг таъкидлашича, ушбу янги тизим ҳокимлик ташкилотларидаги аҳоли навбатларини қисқарттириш ва муурожаатларни ҳал этиш тезлигини бир неча баробар оширишга хизмат қилади.

“Унинг ишлаш тартиби қандай?” деган савол кўпчиликка қизиқ, албатта. “Ақлли” қабулхонага муурожаат билан келган фуқаро бу ердаги махсус интерактив монитор (терминал)га яқинлашиши билан уни шартли “Мадина” исми виртуал ёрдамчи овозли саломлашиш орқали кутиб олади. Фуқаро ўзининг шахсини тасдиқлаш учун тизимга ЖШШИР ва телефон рақамини киритади. Шундан сўнг муурожаатчи ўзини қийнаётган муаммо ёки тақлифни айтади. Қурилма унинг гапларини матнга айлантиради ва сунъий интеллект ёрдамида сониялар ичида таҳлил қилади. Бошқача айтганда, ариза мазмунини ўрганилиб, уни тегишли соҳа бўйича (масалан, қурилиш, таълим, экология, коммунал хизматлар, ижтимоий ҳимоя ва ҳ.к.) автоматик равишда таснифланади.

Кейинги босқичда муурожаат мазмунини ва йўналишига қараб, унга масъул ҳокимлик ходими аниқланади. Шундан сўнг ариза тафсилотлари соҳа вакили хизмат телеграм ботида ҳамда параллел равишда (назорат учун) ҳокимлик масъуллари телеграм гуруҳига тезкор хабар ёки билдирিশнома шаклида юборилади. Бундан хабардор бўлган масъул ходим телефони ёки компютери орқали биргина тутганида тосиб, ҳокимлик кутуш залидаги терминалда турган фуқаро билан жонли видео ёки овозли алоқага чиқади. Мухими, масала бартараф этилувига қадар назоратда бўлади.

Мазкур қабулхонанинг яна бир афзаллиги, ҳар бир муурожаат автоматик тарзда баъза ёзилади ва туман раҳбарияти қайси соҳада муаммолар кўплиги ҳамда ходимларнинг иш фаолиятини махсус бошқарув панели (Dashboard) орқали кузатиб бориш имконига эга бўлади.

Ҳа, бугун рақамлаштириш кириб бормган соҳа, тармоқ қолмади ҳисоб. Ҳаётимиз унга боғланиб, “ақлли” технологиялардан кенг фойдаланиш давр талаби бўлиб бормоқда. Бу ерда ички ишлар идораларига муурожаат йўллаш учун ўрнатилган смартиқурилма соҳадаги энг сўнгги янгиланган бири бўлди. Айни шу ускуна орқали Сергели туманидан юртимиз ва хориж фуқаролари уч — ўзбек, рус ва инглиз тилида мазкур туман ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ёки Ички ишлар вазирлиги

навбатчилик қисмларига тўғридан тўғри онлайн муурожаат йўллаши мумкин.

— Қурилмадан фойдаланиш жуда оддий ва осон, — дейди Сергели тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ходими, лейтенант Сабина Қахрамонова. — Фуқаро дастлаб муюлотқилини, кейин эса муурожаат йўланадиган ички ишлар идорасини танлайди. Қурилма фуқаро шахсини аниқлаган, бир оз ўтиб экранда танланган навбатчилик қисми инспектори кўринади ва унга муурожаат қилинади. Ходим масалани бартараф этиш чораларини кўради. Айтайлик, шикоят Сергели туманидаги биронга маҳаллада содир бўлган жиноий ишга доир бўлса, ўша ҳудуд ички ишлари ходими тезкор хабардор қилинади. Ўзтиборли жаҳати, бу ерда фуқаро ички ишлар ходимининг иши ва муомала маданиятини баҳолаш имконига ҳам эга бўлади.

Эндиликда Сергели туманидаги ҳар бир мактаб ва синф бўйича ўқувчилар давомати, уларнинг дарсдаги иштироки ва одоби, шунингдек, бу ердаги маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси фаолияти онлайн кузатилади, назорат қилиб борилади. Бу каби ишлар эса мазкур ҳудудда яқинда фаолият бошлаган Вазиятлар маркази томонидан бажарилади. Сергелига ташриф давомида давлатимиз раҳбари ушбу марказда яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишиб, тегишли кўрсатма ва топшириқлар берган эди.

Сергели тумани ҳокими маслаҳатчиси Саидхорр Юнусовнинг айтишича, янгича услубда фаолият олиб бораётган мазкур марказ ҳудуддаги ташкилотлар фаолиятида илгор тажрибаларни қўллаш, соҳаларни ривожлантириш, пировардида юқори натижаларга эришиш, аҳолига қулайлиқ яратиш, юзага



“**Маълумотларга кўра, кейинги ўн йилда мазкур туманда 30 минг хонадонли янги уй-жойлар, умумий майдони 2 миллион квадрат метр бўлган саноат, савдо ва сервис объектлари барпо этилган. Жорий йилда ҳудудни ривожлантириш учун бюджетдан 173 миллиард сўм, банклар орқали 2 триллион 200 миллиард сўм ажратилган.**

келган муаммоларни тезкор аниқлаш ва ечим топишга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.



Бу йил ҳам деҳқон ва фермерларимиз учун анча баракали келди. Ғалла хирмонлари тўлиб, ҳосилдорлик юқори бўлди. Юртимиз бўйлаб 1 миллион гектар суғориладиган ҳамда 255 минг гектар лалми ерда экилган бошоқли дон экинларидан 10 миллион тоннадан ортиқ ҳосил йиғиштириб олинди. Бу мамлакатимиз аҳолисини ун ва ун маҳсулотлари билан хавфсиз ҳамда ўзлуксиз таъминлашда улкан қадим десак, муболага бўлмайди.

Бунда қишлоқ хўжалигига илм-фаннинг кенг жорий этилиши, ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилгани, соҳада замонавий агротехник тадбирлар ижтимоий билан қўллашга эътибор қаратилгани, ғаллакорларимизнинг фидокорона меҳнатлари асосий омил бўлиб хизмат қилди. Агротехник тадбирларнинг оптимал мuddатларда сифатли бажарилгани ҳам ўз натижасини кўрсатиб, юқори ҳосилдорликни таъминлади.

Кўпчилик яхши билади, бундан ўн йиллар муқаддам ғалла ҳосилдорлиги ҳозиргидан бир неча баробар паст бўлган. Масалан, ҳозиргидек майдондан 3,5-4 миллион тонна дон йиғиштириб олинарди. Қизғин, шу ҳажмдаги маҳсулот учун ҳам бутунгидек харажат, пешона тери, машаққатли меҳнат сарфланарди. Лекин аксарият фермерларнинг олган даромади қилган харажатини қопламagan. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 40-45 центнерлигича қолган. Ҳатто баъзи фермерлар бундан ортиқ ҳосил олиш мумкинлигини тасаввур қилолмади.

Аммо бугун соҳага илм-фан ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш орқали ҳосилдорликни бир неча баробар ошириш мумкинлиги юртимиз тажрибасида яққол кўринди. Мамлакатимиз ғаллачиликда кўлга киритилган муҳим ютуқлардан бири ҳам шу — ғалла ҳосилдорлиги ўртача 100 центнерга етказилди. Ҳозир қўллаб фермер хўжаликлари 100 центнер ва ундан юқори ҳосил олапти. Иш бошлагандаёқ камида мана шу марраини қўзғайттириш, бунинг имкони борлигига амалда гувоҳ бўлмоқда.

Бу йилги ҳосилда сувли майдонлардан Хоразм, Жиззах, Сирдарё ва Сурухондарё



Таҳлил

ГЕКТАРИДАН 100 ЦЕНТНЕР ҲОСИЛ



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Абдимуҳтор ЭРҒАШЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Асосий экинлар деҳқончилиги ва агротехнологияларни ривожлантириш департаменти бошлиғи

вилоятларида 95-100 центнер, Андижон, Тошкент, Фарғона ва Навоий вилоятларида 90-95 центнердан дон йиғиштириб олинди. Амударё туманидаги “Комилов Равшанбек”, Вобекендаги “Бекозод Муҳаммад Бунёд”, Дўстликдаги “Ақмал Баҳром”, Мингбулоқдаги “Ойбек Дибёр Турсунбоевлар”, Термиздаги “Дил Раъно Янгияриқ”, Оқолтиндаги “Жавохир Шаҳро Шерали”, Боготдаги “Аброрбек”, “Холмурод Шерали Мансур”, Турланддаги “Эрмухаммад Махсум”, “Иноят Махсум” фермер хўжаликлари эса ғалла парваришида илгор агротехнологияларни қўллаган ҳолда, 100-105 центнердан юқори ҳосил олишга эришди.

Бундай улкан натижалар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Буни нафақат соҳа вакиллари, балки оддий одамлар ҳам яхши тушунади. Юртдошларимиз “Қандай қилиб ғалладан шунча ҳосил олинган, нега авваллари бунинг имкони бўлмаган, охириги ўн йилда нима ўзгарди?” деган саволларни бериши ҳам ана шундай англган таҳлилларнинг натижаси.

Бу саволларнинг аниқ, ҳаётимизда исботини топаётган жавоблари бор. Аввало, юртимиз қишлоқ хўжалигидagi тизимли ислохотлар маҳсули бу. Соҳага илмий-инновацион агротехнологиялар ижил ва кенг жорий этилиши, қилинган ишлардан тўғри хулоса чиқариб, кейинги йилларда янада такомиллаштириб бориш тажрибаси ҳосилдорликни кarrасига оширмоқда.

Жорий йилги мўл ҳосил ана шу ҳаракатларнинг жамланмаси. Қолаверса, бир қанча омиларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, бу йил 170 минг тонна уруғлик дон экиш олдидан 45-60 кун давомида совиткичи омборларда (+1, +5C ҳароратда) сақланди ва 685 минг гектар ерга яровизация (тиндирилган) қилинган уруғлик дон экилди. Натижада майсаларнинг бир текисда тўлиқ униб чиқиши, тулпаш, бошоқлаш ва пишиш давларида содир бўладиган стресс омилларга чидамиллик хусусиятлари яхшиланиши ҳисобига нобуд бўлмасдан, аънаваний усулда тайёрланган уруғлик донга нисбатан 5-10 кунга-гача эрта пишиб етилди. Маҳсулдор паялар сони бир гектарда ўртача 6-6,5 миллион донани ташкил этди. Бу аънаваний усулда тайёрланган уруғлик донга нисбатан 1,5-2 миллион донга кўп. Натижада ҳар гектарда ўртача 10-12 центнер қўшимча ҳосилдорлик таъминланиб, омборларга ҳам 700-750 минг тонна қўшимча дон кирди.

Суғориладиган ғалла майдонларида 100 центнердан ҳосил етиштиришга эришиш учун

соҳа мутахассислари томонидан агротехник тадбирларга оид 7 та янги тавсиянома ишлаб чиқилиб, ғалла етиштирувчи кластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарларига етказилди ҳамда жойларда дала ўқув семинарлари ташкил этилди.

Ғалла экиш ва парваришланининг барча босқичларида соҳа олимлари ўз тавсиялари билан агротехник тадбирларда иштирок этди. Бу ҳам бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидан бири. Айнқиса, биологик эскирган навлар ўрнига ҳар бир ҳудуднинг типроқ-қилим шaroитлари-га мос, янги тезпишар, серҳосил, об-ҳавонинг нуқулай шарoитлари ва стресс омилларига, касаликларга чидамли, донининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган янги навлар танланди. Далаларда кузги юмшоқ бугдойнинг маҳаллий “Кеш-2016”, “Аср чилчиси”, “Нодир”, “Турон” ҳамда хорижий “Собербай”, “Темирязев-150”, “Ултра”, “Алексеев”, “Васса”, “Еланчак” навлари ва уларнинг юқори авлоди уруғлари экилиши дон ҳосилдорлигини 35-40 фоизгача оширди.

Экиш ишларидан олдин ерлар лазерли текислагичлар ёрдамида текисланиб, дон уруғлари замонавий ресурсетажамкор саяжаларда мақбул мuddат ва меъёрлар асосида, фосфорли-калийли ўғитлар билан сифатли экилиши натижасида соғлом майсалар тўлиқ ундирилиб чиқилди. Шунингдек, бошоқли дон экинлари баҳор ойларида азотли минерал ўғитлар билан 3 марта, микроэлементларга бойитилган биосуғитлар билан 3-4 марта барг орқали озиклантирилди. Бу ҳам ҳосилдорлик ва дон сифатини оширишга хизмат қилди.

Кузги дон экинларининг ўсиш ва ривожланиш давларида эса касаликлар, зараркунандалар ҳамда бегона ўтларга қарши кимёвий курашда илк бор замонавий дрон

технологияларидан фойдаланилди. Натижада бошоқлаш-тулпаш — сут — мум пишиш давларида техника билан ўсимликларни пайҳон қилишнинг олди олиниб, штангали туркагичларга нисбатан харажатлар 55-60 фоиз камайди, препаратлар билан сифатли ишлов бериш имкониятлари яратилди. Таҳлилларга кўра, ғалла майдонларида занг касаликларни кузатилмади. Бегона ўтлар ва зараркунандалар (шира, трипс, шилимшиқ курт, зарарли хасва) тасйирда йўқотиладиган 25-30 фоиз дон ҳосили сақлаб қолинди.

Кексаларимиз бежиз “Хирмонларимиз донга тўлсин”, деб дуо қилишди. Чунки дон маҳсулотлари қанча кўп бўлса, дастурхонларимиз шунча тўқин, бозорларимизда мўл-кўлчилик бўлади. Қолаверса, бугун дон маҳсулотларини етиштириш нафақат қишлоқ хўжалиги, балки глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири саналади.

Юртимизда ҳосилдорликнинг йилдан йилга ортиб бораётгани замирида эса ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари ва кластерларнинг ўрни катта. Уларнинг шижоати, меҳнатига яраша имкониятлар ва иқтисодий имтиёзлар ҳам яратиб бериляпти. Жумладан, 2025 йил ҳосилидан бошлаб маҳсулот етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган имтиёзли кредитлар бўйича фоиз ставкаси амалдаги 12 фоиздан 10 фоизга туширилган ҳамда мазкур маблағларни тўғридан тўғри фермер хўжаликларига ажратиш тартиби жорий этилди.

2026 йил ҳосилидан бошлаб эса бугеодий етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитларни жорий йилнинг 1 августига қадар тўлиқ қайтарган қишлоқ хўжалиги қорхоналарига ушбу кредитлар бўйича тўланган фоизларнинг 4 фоиз қисми давлат томонидан компенсация қилиб берилади. Масалан,

нафаси кириб келгани шундоқ сезилади. Юқори технологияларга асосланган ўзгариш ва янгиланишлардан ақл шошади, юрак ҳаптиради.

Кўча-кўйда юрган одамларнинг кўзида хотиржамлик. Бу юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осийишталикдан, ҳаётимиз гўзаллашиб, фаровонлашиб бораётганидан, ободликдан, яратилган қулайликлардан, инсон қадри улуғланаётганидан, эртанги кунга ишончдан дарак.

Ундан ортиқ хорижий давлатда бўлиб, у ерлардаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишганман. Бугун Сергелида яратилган имкониятлар уларнинг ҳеч биридан қолишмайди. Бу барчамизга фахр-ифтихор бағишламоқда.

Маълумотларга кўра, кейинги ўн йилда мазкур туманда 30 минг хонадонли янги уй-жойлар, умумий майдони 2 миллион квадрат метр бўлган саноат, савдо ва сервис объектлари барпо этилган. Жорий йилда ҳудудни ривожлантириш учун бюджетдан 173 миллиард сўм, банклар орқали 2 триллион 200 миллиард сўм ажратилган. Аҳоли учун бешта йирик дам олиш маскани ва истироҳат боғи ишга туширилган. Йил охиригача 750 миллион доллар инвестиция жалб этилиши кутилмоқда. Ушбу рақамлар ҳам ишлар қўлини кенглиги, бардавомлиги, бу ер янада гуллаб-яшнашидан сўзлайди.

Худуддаги Янги Сергели кўчасига етиб борганимизда кун ботганди. Туман ҳокимлиги вакили Шамшоода Ибрагимованинг айтишича, Янги Сергели кўчасининг 2,1 километр қисмидаги инфратузилма объектлари тўлиқ янгилангач, ҳудуддаги савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари 24/7 режимида ишлашга ўтказилган. Бу ерда дўконлар, нурунийлар маскани бунёд этилгани, болалар ўйингоҳи ташкил қилиниб, турли замонавий аттракционлар ўрнатилгани, бир сўз билан айтганда, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё эканлиги барчага манзур бўлмоқда.

— Фарзандларим кун бўйи ишда, кечки пайт уйда бўлади, — дейди шу кўчада яшовчи, 65 ёшни қарши олаётган Замира Халдарова. — Улар авваллари, чарчоқданми, ишдан сўнг шаҳар марказига сайрга боришга эринарди. Хонадонимизга яқинроқ ҳудудда туну кун ишлайдиган жорий ўзи йўқ эди. Мана, ҳудудимизда 24/7 режимида фаолият юритадиган ажойиб маскан ташкил этилди. Яширмайман, бундан фарзандларим, невараларим хурсанд бўлганини кўриб, қувончдан кўнглим бўшаган дамлар ҳам бўлди. Бизга бу каби қулайликларни яратишда бош-қош бўлаётган давлатимиз раҳбарига сергелилик ота-оналар номидан миннатдорлик билдираман.

...Оқшом чўқди. Янги Сергели кўчаси янада гавжумлашиб бормоқда. Бу ердаги фавворалар, рангли чиқорқлар кўзни қувнатди. Дилга ҳуш ёқувчи мусиқа охангидан кайфияту руҳиятингиз кўтарилди. Ўғил-қизларнинг ўйин-кулгусини кузатар эканман, болалигим эсга тушади. У пайтлари бундай шарт-шароит ва имкониятларни ҳатто орзу ҳам қилиб бўлмасди. Бугун улар ҳақиқатга айланганини кўряпмиз.

Ҳа, кейинги йилларда мамлакатимиз, жумладан, Сергелида илгари тасаввур ҳам этиб бўлмайдиган улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Уларнинг самараси аҳоли турмуш тарзи ва кайфиятида намоён бўлаётган ижобий ўзгаришларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Хоразм вилоятда ғалла етиштирувчи 1415 та фермер хўжалигига ажратилган 123 миллиард сўм имтиёзли кредит жорий йилнинг 1 августига қадар тўлиқ қайтарилгани учун олинган кредит маблағларининг 4 фоизи (5 млрд сўм) давлат томонидан компенсация тарзида қайтариб берилди. Бу эса ғалла етиштирувчи субъектларнинг иқтисодий имкониятларини ошириб, айланма маблағларини қўпайтириш баробарида келаси йил юқори ҳосил етиштириш имкониятларини кенгайтиради.

Шу билан бирга, сув тежовчи технологияларни қўллаш учун субсидиялар ажратилиши натижасида ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатилган ғалла майдонлари сезиларли даражада кенгайди. Шу йилнинг ўзида ғалла етиштирувчи субъектлар томонидан 25,7 минг гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш технологиялари жорий этилди. Бундан ташқари, ғалла майдонларининг 195 минг гектари лазерли ускуналар билан текисланиб, вегетация даврида ғалла майдонлари шарбат усулида суғорилиши натижасида 2 миллиондан 500 кў метр сув иқтисод қилинди.

Юқорида амалга оширилган агротехник тадбирларни бажариш учун Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамгармасидан 3,9 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, қорхоналарга тизимли равишда етказиб берилди. Имтиёзли кредит маблағлари фермерларга қўшимча кўмак бўляпти. Аммо ҳосили ва даромади қўпайиши ортидан кредит маблағларига эҳтиёж сезмаётган хўжаликлар сони ҳам ошиб бораётгани қувончли. Масалан, жорий йилда 8944 та фермер хўжалиги 204,2 минг гектарда (22 фоиз) имтиёзли кредит олмадэн, ўз маблағи ҳисобидан ғалла етиштириб, 100 центнердан юқори ҳосил олди.

Уримга аввалдан катта тайёргарлик қўрилгани ҳам иш сифатини оширганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, ғалла ҳосилини қисқа мuddатларда сифатли ўриб-йиғиб олиш учун 2415 та ғалла ўриш отряди ташкил этилиб, уларга мавжуд 2976 та юқори унумли ғалла ўриш комбайни, 14 мингтага яқин юк автомашина, 2527 та трактор тирамаси, 967 та кўчма устохона ва 1003 та ёниги қўйиш шохобчаси бириктирилди.

Ўрим-йиғим мавсуми бошланишига қадар эса замонавий 180 та ғалла ўриш комбайни жойларга етказиб берилган. Натижада ҳудудларда ғалла ўрим-йиғим мавсуми 20-24 иш кўнини ташкил этди ва донининг бир мисқоли ҳам йўқотилмасдан, ўз мuddатда сифатли йиғиб олинди.



2026 йил 30 июль, 153-сон

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ФАЛСАФАСИ



Исmoil САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Ғоя бир кечада пайдо бўлмаган

Сунъий интеллект ғояси бир кечада пайдо бўлмаган. Унинг фалсафий илidlзлари асрлар қаърига бориб тақалади. XVII асрда немис файласуфи ва математиги Готфрид Лейбниц инсоний бахс-мунозараларни ҳисоб-китоб орқали ҳал этиш мумкин бўлган “универсал мулоҳаза тили”ни орзу қилган эди. У “Келинг, ҳисоблаб кўрайлик!” деб тафаккурни аниқ қоидаларга солиш ғоясини илгари сурган.

XIX асрда инглиз математиги Жорж Буль мантиқни алгебраик шаклга келтирди — бугунги барча компьютерларнинг асосида ётган “мантиқий алгебра” шу тариқа тузилди. XX асрда эса Алан Тюринг ҳисоблашнинг назарий моделини яратиб, ҳар қандай ҳисоблаш жараёнини универсал машина орқали бажариш мумкинлигини кўрсатди.

Соҳанинг расмий тугилган санаси сифатида 1956 йил тилига олинади: ўша йили Дартмут конференциясида америкалик олим Жон Маккарти “сунъий интеллект” атамасини биринчи бор қўлади. Дастлабки йиллардаги катта умидлар кейинчалик бир неча бор ҳафсаласизлик даврлари — “сунъий интеллект қиши” билан алмашди, зеро, ваъда қилинган натижалар оsonликча кўлга киритилмади.

Ҳақиқий бурилиш XXI аср бошида — катта ҳажмдаги маълумотлар, кучли ҳисоблаш қуввати ва “чуқур ўрганиш” деб аталган нейрон тармоқлар технологияси бирлашгандида содир бўлди. Айнан шу тўлқин бизга бутунги мати ёзадиган, суҳбат қурадиган, расм чизадиган сунъий интеллектни туғдира элди. Аммо ҳар бир тўлқин остида ўша битта фалсафий савол — “Бу машина ҳақиқатан ўйлайдими?” ўзгармай қолаверди.

Бу соҳа нимани ўрганади?

Сунъий интеллект фалсафаси кенг ва кўп қатламли соҳа бўлиб, унинг саволларини шартли равишда уч катта гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси — онг ва тафаккур фалсафасига оид саволлар. Машина ўйлай оладими? Унда онд идорак, ички кечинма бўлиши мумкинми? Ақл фақат миёга хосми ёки уни кремний чиплар орқали ҳам яратиш мумкинми?

Иккинчиси — билиш назариясига (эпистемологияга) оид саволлар. Сунъий интеллект оламни қандай “билиди”? У ҳақиқатни ёлғондан ажрата оладими? Унинг “билими” инсонникига ўхшайдими ёки бу мутлақо бошқача нарсими?

Учинчиси — ахлоқ ва қадриятларга оид саволлар. “Ақлли” машиналарни яратиш ва улардан фойдаланиш қандай масъулият юклайди? Машина қарори учун ким жавобгар? Уни инсоний қадриятларга қандай мослаштириш мумкин?

Бу саволлар бир-биридан ажралган эмас. Аксинча, улар яхлит бир туғунни ташкил этади, зеро, машинанинг “ўйлаши” ҳақидаги ҳар қандай ҳулоса муқаррар равишда унинг билими ва ахлоқий мақоми ҳақидаги қарашларимизга ҳам таъсир қилади.

Тюринг синов

Замонавий сунъий интеллект фалсафасининг бошланиш нуқтаси сифатида кўпинча инглиз математиги Алан Тюрингнинг 1950 йилда эълон қилинган “Ҳисоблаш машиналари ва интеллект” мақоласи тилга олинади. Тюринг “Машина ўйлай оладими?” деган саволни бевоcита эмас, балки амалий тарзда ҳал қилишни таклиф этди.

У машҳур “тақлид ўйини”ни, яъни кейинчалик “Тюринг синов”и деб аталган синовни ўртага ташлади. Агар одам ёзма мулоқот орқали машина билан суҳбатлашса ва уни бошқа одамдан ажрата олмаса, демак, машинани “ўйлай олади” деб ҳисоблаш мумкин. Бошқача айтганда, Тюринг “ички ҳолат”ни четга суриб, фақат ташқи хатти-ҳаракатга эътибор қаратишни таклиф этди.

Тюринг “Машина ўйлай оладими?” деган саволни “Машина инсонга ўхшаб жавоб бера оладими?” деган савол билан алмаштирди. Бу ёндашув содда ва аниқ кўринади, аммо у жиддий эътирозларга дуч келди. Танқидчиларнинг таъкидлашича, инсонни алдай олиш — ҳали ҳақиқий тафаккур эмас. Тўтиқуш ҳам инсон сўзларини такрорлаши мумкин, лекин у гап маъносини тушунмайди. Демак, ташқи хулқ-атвор тафаккурнинг ишончли ўлчови бўла оладими? Мана шу савол кейинги ўн йилликлардаги баҳслар марказига айланди.

Хитой хонаси: тушуниш ва тақлид фарқи

1980 йилда америкалик файласуф Жон Сёрл машҳур “Хитой хонаси” деб аталган фикрий тажрибани таклиф этди. Тасаввур қилинг: хитой тилини умуман билмайдиган одам берк хонада ўтирибди. Унга эшик тагидан хитойча иероглифлар ёзилган варақлар узатилади. Хонадаги одам кўлидаги қалин йўриқнома ёрдамида “фалон белгига пистон белги билан жавоб бер”, деган қоидаларга амал қилиб, тегишли иероглифларни танлаб, жавобни қайтаради.

Ташқаридан қараганда, хонадаги одам хитой тилини мукамал биладигандек кўринади: саволларга бехато жавоб беради. Аммо аслида у бирорта сўзнинг маъносини тушунмайди — у фақат белгиларни қоидага биноан алмаштирипти, холос. Сёрлнинг фикрича, компьютер ҳам худди шундай механизмга таянади: у рамzlларни синтактик қоидалар асосида қайта ишлайди, лекин уларнинг маъносини — семантикасини идрок этмайди.

Бу тажриба орқали Сёрл “кучли” ва “кучсиз” сунъий интеллект тушунчаларини фарқлади. Кучсиз сунъий интеллект бу — инсон ақлига тақлид қилувчи, унинг айрим вазифаларини бажарувчи фойдали восита. Кучли сунъий интеллект эса ҳақиқатан онгта, тушунишга ва идрокка эга бўлган машина. Сёрлнинг иддосича, рамzlларни қайта ишлаш қанчалик мураккаб бўлмасин, ҳеч қачон ҳақиқий тушунишни туғдирмайди.

Бу қараш ҳам кескин баҳсларга сабаб бўлди. Айрим файласуфлар “Хонадаги одам тушунмаса-да, бутун тизим — одам, хона ва йўриқнома биргаликда тушунади”, деб эътироз билдирди. Баҳс ҳозиргача яқунланмаган ва айнан шу ҳал этилмаган сунъий интеллект фалсафасини жонли ва долзарб соҳа сифатида сақлаб турибди.

Тил, маъно ва катта тил моделлари

Бугунги кунда сунъий интеллектнинг энг ҳайратланарли кўриниши катта тил моделлариридир. Улар улкан ҳажмдаги матнларни ўрганиб, ҳар бир сўздан кейин келиши эҳтимоли энг юқори бўлган навбатдаги сўзни баъорат қилиш орқали равои, мазмунли матн яратишади. Улар савол-жавоб қилади, таржима қилади, ишю ёзади — гўё тилни мукамал эгаллагандек.

Айнан шу ерда “Хитой хонаси” саволи янги куч билан қайтади. Бу моделлар сўзларнинг маъносини тушунадими ёки улар шунчаки статистик қонуниятларни қайта ишлайдими? Айрим танқидчилар уларни “статистик тўтиқушлар”га қиёслайди: равои, аммо маъносини идрок этмасдан такрорловчи тизимлар. Бошқалар эса модель ҳажми ошган сари қутилмаган, олдиндан режалаштирилмаган хусусиятлар пайдо бўлишини — “эмержент” хусусиятларини чуқурроқ нимадир мавжудлигининг белгиси деб ҳисоблайди.

Бу масала фалсафада “рамзни асослаш муаммоси” деб аталади. Машина учун “олма” сўзи яна бошқа сўзларга — “мева”, “қизил”, “даракт”га богланади, холос. У ҳеч қанон ҳақиқий олмани кўрмаган, ушламаган,



Бу — фақат техник эмас, балки чуқур фалсафий савол. У бизни маъно, тушуниш ва тил моҳияти ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Ҳозирча бу саволга ҳам яқдил жавоб йўқ, аммо айнан шу ноаниқлик замонавий сунъий интеллект баҳсларининг қоқ марказида турибди.

“Оғир” савол

Тафаккур ҳақидаги баҳс муқаррар равишда яна ҳам чуқурроқ масалага — онг муаммосига етаклайди. Машина маълумотни қайта ишлаши, ҳатто ўзини онгли тутиши мумкин. Аммо унинг ичида “нимадир кечадимиз?”. У оғриқни, қувончни, рангини ҳис қиладими ёки бу жараёнларнинг барчаси ҳеч қандай ички кечинмасиз, “қоронғида” юз берадимиз?

Австралиялик файласуф Дэвид Чалмерс буни онгнинг “оғир саволи” деб атади. Мия қандай ишлашини, ахборотни қандай қайта ишлашини тушунтириш — нисбатан “енгли” вазифа. Аммо нима учун бу жараёнлар субъектив кечинма, яъни “биринчи шахс” нуқта-назаридан ҳис қилинадиган ички ҳаёт билан кузатилишини тушунтириш низоҳатда мушкул. Файласуфлар бу субъектив сифатларни “квалиа” деб атайдил. Агар онгнинг моҳияти шу субъектив кечинмада бўлса, унда савол туғилади: кремнийдан ясалган тизим ички ҳаётга эга бўла оладими? Бир қараш функционализм — онг материалга боглиқ эмас, у фақат ахборот жараёнлари тузилишига боглиқ дейди. Демак, тегишли тузилма кремнийда ҳам онгни туғдирishi мумкин. Бошқа қараш биологик натурализм — онг тирик мия фаолиятининг ўзига хос маҳсули бўлиб, уни олдийгига ҳисоблаш билан такрорлаб бўлмайди дейди.

Тана ва онг: Декартдан бугунгача

Онг ва материя муносабати фалсафанинг энг қадимий туғунларидан биридир. XVII асрда француз файласуфи Рене Декарт машҳур дуализм таълимотини илгари сурди: унга кўра, олам икки хил моҳиятдан иборат — фикрловчи, номоддий рух ва фа-




татиб кўрмаган. Инсон эса “олма” сўзини бевоcита тажриба орқали ўрганади. Савол бундай: маъно фақат матндан, яъни бевоcита тажрибасиз, тутилиши мумкинми?

зода жой эгаллайдиган моддий тана. “Ўйламоқдаман, демак, мавжудман” деган машҳур ҳулосаси орқали у тафаккурни борлиқнинг энг ишончли асоси деб билди.

Замонавий материалистик фалсафа бу дуализмни кўпинча рад этади ва онгни мия фаолиятининг маҳсули деб қарайди. Мана шу нуқтада масаланинг сунъий интеллектга алоқаси очилади. Агар онг соф равишда моддий жараёнлардан иборат бўлса, уни назарий жиҳатдан бошқа бир моддий асосда, масалан, кремний тизимида қайта яратиш мумкин бўлади. Аммо агар онгнинг ажралмас номоддий ўлчами бўлса, машина ҳеч қачон ҳақиқий онгга эга бўла олмайди.

Шу тариқа, аслида, техник кўринган “Машина онгли бўла оладими?” деган савол асрлар давомида ечилмай келаётган тана ва онг муносабати муаммосига бориб тақалади. Инсоннинг бу қадимий саволга берадиган жавоби кўп жиҳатдан унинг сунъий интеллект имплатментларига бўлган қарашини ҳам белгилайди.



Шарқ мутафаккирлари: ақл ва рух масаласи

Ақл ва онг ҳақидаги бу баҳслар Ғарб фалсафасигагина хос эмас. Шарқ, жумладан, ислом фалсафаси ҳам ақл масаласига чуқур эътибор қаратган. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий инсон ақлини бир неча даражага ажратиб, “фаол ақл” тушунчасини ишлаб чиққан. Абу Али ибн Сино эса нафс ва рух моҳиятини таҳлил қилиб, инсон онгини фақат жисмоний танага боглаб бўлмаслигини таъкидлаган.

Классик Шарқ анъанасида ақл ва рух кўпинча моддий оламдан устун, ундан юксак бир ибтидо сифатида талқин қилинган. Бу қараш замонавий сунъий интеллект баҳсларига ўзига хос нур ташлайди. Агар инсон онги рухий, номоддий ўлчамага эга бўлса, уни соф ҳисоблаш жараёнарига айлантириб бўладими? Ёки аксинча, тафаккур материянинг муайян даражада мураккаб ташкил топишидан келиб чиқадиган ҳодисами?

Бу саволларга бир хил жавоб йўқ. Аммо Шарқ мутафаккирлари мероси бизга муҳим сабоқ беради: ақл ва онг масаласи фақат техник эмас, балки чуқур маънавий ва фалсафий масалалар. Сунъий интеллект даврида бу меросни қайта ўқиш ва замонавий баҳслар билан боглаш алоҳида аҳамият касб этади.

АХБОРОТ МАЙДОНИДАГИ
ХАВФЛАР ҲАМ ОРТИБ
БОРМОҚДА. СУНЪИЙ
ИНТЕЛЛЕКТ СОХТА
ХАБАРЛАР, СОХТА
ТАСВИР ВА ОВОЗЛАРНИ
ОСОНГИНА ЯРАТИШИ
МУМКИН. БУНДАЙ
ШАРОИТДА ҲАҚИҚАТ
ВА ЁЛҒОННИ АЖРАТИШ,
ИШОНЧЛИ МАНБАНИ
ТОПИШИ ИНСОНДАН ЯНАДА
ЮКСАК ОНГЛИЛИК ВА
МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ
ЭТАДИ.

Ҳақиқий ижод нимада?

Сунъий интеллектнинг шеър ёзиши, сурат яратиши, куй басталаш ижод эмасми? Бу саволга жавоб бериш учун ижоднинг моҳиятини аниқлаш керак. Машина мавжуд асарлардаги қонуниятларни ўрганиб, уларга ўхшаш янги комбинациялар яратади. Аммо бунда у ўзи яратган нарсанинг маъносини ҳис қилади, унда ният, мақсад бормиди? Кўпчилик файласуфлар фикрича, ҳақиқий ижод фақат шакл яратиш эмас, балки маъно ва ният билан йўғрилган интилидир.

Инсон тафаккурининг яна бир ўзига хос жиҳати — интуиция ва “соғлом фикр” (умумий тушунча). Инсон дунёни танаси, тажрибаси, ижтимоий алоқалари орқали идрок этади. У очик айтилмаган нарсани ҳам тушунади, вазиятни бир қарашда баҳолайди. Сунъий интеллект учун эса айнан шу “олдий” нарсалар — кундалик ҳаётнинг айтилмаган қоидалари энг мушкул снов бўлиб қолмоқда. Бу муаммо фалсафада “доира муаммоси” деб ҳам аталади. Машина жавоб беришда бизни ортда қолдириши мумкин. Аммо савол бериши, ажабланиши, маъно излашни у биздан ўргана оладими?

Ниҳоят, инсон ҳаётининг марказида маъно излаш туради. Биз нафақат яшаймиз, балки нима учун яшайганимиз ҳақида ўйлаймиз. Ҳиссиёт, севги, азоб, умид — буларнинг барчаси инсон борлигининг ажралмас қисми. Машина бу кечинмаларни таҳлил этиши, ҳатто уларга тақлид қилиши мумкин, аммо уларни боидан кечира оладими бу — ҳали очик савол бўлиб қолмоқда.

Машина эътибор объекти бўла оладими?

Инсон нафақат ақл эгаси, балки ахлоқий субъект, яъни яхши ва ёмонни фарқлаб, ўз хатти-ҳаракати учун жавоб берадиган мавжудотдир. Хўш, сунъий интеллект ахлоқий субъект бўла оладими? У “тўғри” ва “нотўғри”ни аниқлайдими ёки шунчаки сингдирилган қоидаларга амал қиладими?

Бу савол икки томонлама. Бир томондан, машина ахлоқий қарор қабул қилувчи бўла оладими? Ахлоқий танлов кўпинча олдий қоидага сиймайди — у ҳамдардлик, виждон ва вазиятни чуқур ҳис қилишни талаб этади. Иккинчи томондан, машина ахлоқий эътибор объекти бўла оладими? Яъни келажақда етарлича мураккаб тизимлар “хуқуқ”га эга бўлиши керакми, уларга нисбатан бурчимиз борми?

Ҳозирча бу саволлар кўпроқ назарий кўринади. Аммо технология ривожини уларни аста-секин амалий майдонга олиб чиқмоқда. Инсон ўзи яратган мавжудотга қандай муносабатда бўлиши кераклиги нафақат машина, балки инсоннинг ўз ахлоқий етуклиги ҳақидаги синовдир.

Шаффофлик, адолат ва назорат

Сунъий интеллект фалсафаси фақат назарий эмас, балки ўта амалий ахлоқий саволларни ҳам ўртага ташлайди. Бу технология тобора кўпроқ қарорларни — кимга кредит бериш, кимни ишга олиш, ҳатто тиббий ташхис қўйиш каби вазифаларни зиммасига олмақда. Бундай ҳолда қатор жиддий масалалар юзага келади.

Адолат ва тарафқашлик. Сунъий интеллект ўзи ўрганган маълумотлардаги ноҳилисликни, тарафқашликни мерос қилиб олади ва ҳатто кучайтириши мумкин. Агар ўтмиш маълумотлари адолатсиз бўлса, машина ҳам адолатсиз қарор чиқаради — бунда “бетараф технология” деган тасаввур алдамчи бўлиб чиқади.

Масъулият. Агар сунъий интеллект хато қилса, масалан, ўзи бошқарган автомобиль ҳалокатга учраса, ким жавобгар? Дастурчи-ми, ишлаб чиқарувчи-ми, фойдаланувчи-ми ёки машинанинг ўзини? Анъанавий ахлоқ ва ҳуқуқ инсон иродасига асосланган, машина эса бу тизимга осон сиймайди.

Шаффофлик. Замонавий сунъий интеллект кўпинча “қора қутн” бўлиб қолмоқда: у қарорга қандай келганини ҳатто уни яратганлар ҳам тўлиқ тушунтириб бера олмайди. Инсон тақдирига таъсир қиладиган қарор тушунтирилмаса, бунга ишониш мумкинми?

Назорат муаммоси. Файласуф Ник Бостром каби мутафаккирлар келажақда инсондан ҳам ақлли — “суперинтеллект” яратилиши эҳтимолини муҳокама қилади. Бундай тизимнинг мақсадларини инсоний қадриятларга мослаштириш, уни назорат остида ушлаб туриш замонамизнинг энг жиддий фалсафий ва техник муаммоларидан бирига айланмоқда.

Жамият ҳаётига дахлдор

Сунъий интеллект фалсафаси якка инсон онги билангина чекланмайди. У бутун жамият ҳаётига дахлдор. Технология меҳнат бозорини тубдан ўзгартирмоқда: айрим касблар йўқолмоқда, янгилари пайдо бўлмоқда. Бу эса “Инсон меҳнати ва қадр-қимматининг маъноси нимада?” деган фалсафий саволни кун тартибига қўйди.

Талим соҳаси ҳам жиддий синовга дуч келмоқда. Агар машина ўқшо ёзиб, масала ечиб бера олса, инсонни ўқитишдан мақсад нима? Балки эндиликда билим олишда ёдлаш эмас, балки танқидий фикрлаш, савол бериш ва маънавий етуклик янада муҳимроқ бўлиб қолар.

Ахборот майдонидаги хавфлар ҳам ортиб бормоқда. Сунъий интеллект сохта хабарлар, сохта тасвир ва овозларни осонгина яратиши мумкин. Бундай шароитда ҳақиқат ва ёлғонни ажратиш, ишончли манбани топиш инсондан янада юксак онглилик ва масъулиятни талаб этади.

Мана шу сабабли аксар мутафаккирлар сунъий интеллект даврида жамият ва технология ўртасида “янги ижтимоий шартнома” зарурлигини таъкидламоқда. Технологияни инсон манфаати ва қадриятлари хизматига йўналтириш ҳукуматлар, олимлар ва ҳар бир фуқаронинг умумий вазифасидир.

Инсоният келажаги: ускунами ёки рақиб?

Сунъий интеллектнинг тез ривожланиши инсоният келажаги ҳақидаги катта саволларни кун тартибига қўймоқда. Айрим мутафаккирлар технологик оптимизмни ёқлайди: сунъий интеллект касалликларни даволашга, илмни ривожлантиришга, оғир меҳнатдан халос бўлишга ёрдам беради дейди. Бошқалар эса эҳтиёткорликча қақиради: иш ўринлари йўқолиши, инсон қадр-қиммати пасайиши, ҳатто инсоният устидан назорат йўқолиши хавфидан огоҳлантиради. Бу баҳснинг замирида яна бир фалсафий савол ётади: агар машина инсон бажарган кўп ишларни ундан яхшироқ бажарса, инсоннинг ўрни, қиймати ва вазифаси қареда қолади? Трансгуманизм оқими тарафдорлари ҳатто инсон ва машинанинг қўшилиши, инсон табиатининг ўзгариши ҳақида фикр юритмоқда.

Тарих кўрсатадики, ҳар бир буюк технология — ёзувдан то матбаагача, буг машинасидан то интернетгача, инсоният ҳаётини ҳам енгилаштирди, ҳам янги масъулият юклаган. Сунъий интеллект бундан мустасно эмас. Унинг оқибати технологиянинг ўзига эмаc, балки биз уни қандай мақсадларда ва қандай қадриятлар асосида қўлашшимизга боглиқ.

Балки энг тўғри ёндашув сунъий интеллектга инсониятнинг рақиб ёки ўринбосари сифатида эмас, балки унинг ойнаси сифатида қараш. Машинани яратиш орқали биз, аслида, ўзимизни — ақлимизни, онгимизни, қадриятларимизни қайтадан кашф этмоқдамиз.

Сунъий интеллект фалсафаси маъҳум, ҳаётдан узоқ машғулот эмас. Аксинча, у замонамиз учун ҳаётини зарур соҳага айланмоқда. Технология қанчалик тез ривожланса, унинг маъносини, чегараларини ва оқибатлари ҳақида чуқур ўйлаш эҳтиёжи шунчалик кучаяди. “Машина ўйлай оладими?” деган савол, эҳтимол, ҳали узоқ вақт очик қолар. Аммо бу савол бизни тафаккуримиз, онгимиз ва инсонийлигимиз ҳақида чуқурроқ ўйлашга ундайди. Балки сунъий интеллектнинг энг катта хизмати бизга кўп саволга жавоб бериши эмас, балки бизни энг муҳим саволларни қайта беришга мажбур қилишидир. Шу маънода, сунъий интеллект даврида фалсафа ортиқча дабдаба эмас, балки зарурат. Зеро, ақлли машиналар яратётган инсоният, аввало, ўз ақлини, ўз масъулиятини ва ўз қалбини англаб етмоғи лозим.

6

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ИЛМНИ ҲИКМАТ, ЭЪТИҚОДНИ АХЛОҚ,
ҲУҚУҚНИ МАСЪУЛИЯТ БИЛАН
УЙҒУНЛАШТИРГАН АЛЛОМА

Ҳаким Термизий таваллудининг 1200 йиллигига



Музаффархон ЖОНИЕВ,
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Кейинги йилларда янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш, буюк алломаларимизнинг муборак номларини улуғлаш, улар қолдирган бой илмий меросни чуқур тадқиқ этиш ва жаҳон жамоатчилигига етказишга хизмат қилмоқда. Бу эзгу ишлар ўтмишни хотирлаш билангина чекланмай, миллий руҳлини англаш, ёшларни соғлом эътиқод ва теран тафаккур ўқида тарбиялаш, илм-маърифатга асосланган жамиятнинг шакллантиришдек улуғ мақсадларга қаратилган.

Президентимизнинг 2026 йил 24 июлдаги “Буюк ватандошимиз, ҳадис ва тасаввуф илмининг етук намоёндаси Ҳаким Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ана шу изчил ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Мазкур тарихий ҳужжатда Ҳаким Термизийнинг ибратли ҳаёт йўли, исломий тафаккур тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси ва бой илмий-маънавий меросини миллий ҳамда халқаро миқёсда чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Ушбу қарор қабул қилиниши арафасида мамлакатимизда яна бир йирик маърифий воқеа юз берди. 2026 йил 7-11 июль кунлари Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларида “Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми: тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат йўли” ташкил этилди. Форум ислом цивилизациясининг илм-фан, маданият ва маънавий тараққиётга қўшган ҳиссасини намоён этиш, унинг инсонпарварлик ва маърифатпарварлик моҳиятини жаҳонга етказишга қаратилди. Анжуманда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан давлат ва жамоат арбоблари, вазиirlар, муфтийлар, олимлар, тадқиқотчилар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этиди.

Форумнинг муҳим таркибий қисми сифатида Термиз шаҳрида “Термиз ҳадис мактаби: алломалар мероси ва замонавий тадқиқотлар” мавзусидаги IV халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва ICESCO

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Ҳаким Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори Термизда янраган илмий фикрлар, маърифий



ташабуслар ва халқаро ҳамкорлик гоёларининг амалий давоми бўлди дейиш мумкин.

Мусулмон оламининг йирик мутафаккири Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан

диний илмларни пухта ўрганишга киришиб, кейинчалик тафсир, ҳадис, фикҳ ва тасаввуф билан бирга астрономия, тиббиёт ва математика каби фанларга ҳам қизиққан.

Диний ва дунёвий билимларни уйғун ўзлаштириш унда юксак таҳлил қобилиятини шакллантирди. У ҳар бир масаланинг ташқи кўриниши билангина чекланмасдан, унинг моҳияти, сабаби ва ҳикматини англашга



интилди. Ислом таълимотидаги ҳукм ва амалларнинг ички маъноларини назарий жиҳатдан шарҳлаб бергани учун унга “ҳаким” — донишманд, ҳикмат соҳиби деган юксак ном берилган.

Ҳаким Термизий инсонни фақат ташқи хатти-ҳаракатлари асосида эмас, балки қалби, нияти, тафаккури ва руҳий олами билан яхлит ҳолда ўрганган. Шу жиҳатдан унинг илмий мероси ислом тафаккурида ҳикмат, ахлоқ, руҳият ва маърифат масалаларини бир тизимда тадқиқ этган ноёб илмий мактабдир.

Унинг асарлари мавзу ва мазмун жиҳатидан низоҳатда кенг қамровли. Аллома “Баҳрут-тафсир” (Тафсир уммон) асирида ақлий ва нақлий тафсир услубларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Қуръон оятларини ривоятлар асосида шарҳлаш билан бирга уларнинг маъноси, ҳикмати ва инсон маънавий ҳаётига таъсирини ҳам очиб берган.

Ҳаким Термизий асарларининг марказида инсон туради. У инсонни фақат ташқи хатти-ҳаракатлари билан эмас, балки қалби, нияти, ахлоқи ва ички маънавий олами билан бир бутун ҳолда тадқиқ этади.

Аллома наздида илм инсонни манманликка эмас, камтарликка, адоватга эмас, меҳр-оқибатга, жаҳоллатга эмас, ҳикмат ва маърифатга етаклаши керак. Амалнинг қадри унинг

ташқи кўриниши билангина эмас, балки ихлос ва эзгу ният билан белгиланади.

Шу маънода, Ҳаким Термизий меросидаги қалб поклиги, инсонпарварлик, ҳалоллик ва эзгулик гоёлари янги Ўзбекистонда қарор топаётган “Инсон қадри учун” тамойили билан ҳамоҳангдир. Жамиятнинг маънавий юксалиши, энг аввало, инсон қалбида меҳр-мурувват, аҳиллик, шукроналик ва бошқалар тақдирига дахлдорлик туйғуларини шакллантиришдан бошланади.

Ҳаким Термизийнинг илмий-маънавий мероси ана шу фазилатларни инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айлантиришга хизмат қиладиган буюк тарбия мактабидир. Шу тариқа Ҳаким Термизий тафсир, ҳадис ва тасаввуф билан бирга шарият мақсадлари, инсон психологияси, ахлоқшунослик ва билиш назариясига доир қарашларни ҳам биринчилардан бўлиб тизимлаштирган.

Алломадан 80 га яқин асар қолгани қайд этилади. Уларнинг катта қисми нашр этилган бўлса, айрим нодир қўлёзмалари ҳозирга қадар жаҳоннинг турли кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Муҳаддис яшаган даврда ислом оламида турли фалсафий қарашлар, сиёсий ғуруҳлар ва ақидавий оқимлар ўртасида кескин баҳслар кечган. Аллома бундай шароитда соф ислом таълимотини асраш, диний манбаларни бузиб талқин қилишга қарши илмий асосда жавоб беришга алоҳида аҳамият қаратган.

У “Ар-Радд алар-рофиъа” (Рофизийларга раддия) каби махсус раддия асарларини ёзган. “Наводир ул-усул” ва бошқа китобларида эса муътазила, хавориж ҳамда турли адашган фирқаларнинг қарашларига илмий муносабат билдирган. Унинг асарларида илм ва ахлоқ уйғунлиги, эътиқодда муътадиллик устувор ўрин тутди. Бу эса Мовароуннаҳрда соф ислом эътиқодининг сақланиши ва ёйилишига хизмат қилган.

Шу нуқтани назардан, Ҳаким Термизийнинг ислом ҳикмат назарияси кўринишида намоён бўлган ислом фалсафасининг илк даргаларидан бири деб баҳолаш мумкин. Унинг илмий услубида нақл ва ақл, эътиқод ва тафаккур, илм ва маънавий тажриба бир-бирини тўлдириб туради.

Ҳаким Термизийнинг туғилган ва вафот этган саналари аниқ қайд қилинган ишончли манба ҳозиргача учрамаган. Қатор тадқиқотларда унинг 932 йилда вафот этгани кўрсатилади. Таваллуд санаси бўйича эса дунё олимларининг тарихшунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан ўтказган қиёсий таҳлиллар аллома 820-830 йиллар оралиғида туғилганини кўрсатади.

Олим меросининг йирик тадқиқотчиларидан Бернд Радтке ва Жон Ҳейн: “Ҳаким Термизий ҳижрий 205-215, милодий 820-830 йиллар орасида туғилган”, деган хулосага келган. Шу илмий хулосалардан келиб чиқиб, 2026 йилда Ҳаким Термизий таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тарихий ва манбашунослик жиҳатидан асосланган муҳим қарор ҳисобланади.

Президентимиз қароридан назарда тутилган вазифалар кенг қамровли бўлса-да, уларнинг барчасини ягона мақсад — Ҳаким Термизий меросини тизимли тадқиқ этиш, халқимизга яқинлаштириш ва халқаро илмий муомалага кенг олиб кириш гоёси бирлаштириб туради.

Аввало, 2026 йил ноябрь ойида Термиз шаҳрида “Ҳаким Термизий илмий-маънавий меросининг бугунги кундаги аҳамияти” мавзусида халқаро конференция ўтказилиши белгиланди. Унда аллома меросининг ҳадисшунослик, тасаввуф, тафсир, ахлоқ, руҳият ва ислом тафаккури тараққиётидаги ўрни замонавий илмий ёндашувлар асосида муҳокама қилинади.

Қарорнинг энг муҳим йўналишларидан яна бири — Ҳаким Термизийнинг “Наводир ул-усул” ва “Баҳрут-тафсир” асарлари ҳамда аллома меросига оид бошқа манбаларнинг ўзбек ва хорижий тиллардаги илмий-изоҳли академик таржималарини тайёрлаш ва нашр этишдир.

Бу вазифа оддий таржимадан анча кенг мазмунга эга. Бунинг учун дунё фондларида сақланаётган қўлёзма нусхаларини аниқлаш, уларни қиёсий ўрганиш, илмий-танқидий матнларни тайёрлаш, мураккаб истилоҳ ва тушунчаларни шарҳлаш талаб этилади. Натижада Ҳаким Термизийнинг асарлари нафақат мухтаassisларга, балки талабалар, ёш тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар оммасига ҳам етиб боради.

“ Ҳаким Термизий инсонни фақат ташқи хатти-ҳаракатлари асосида эмас, балки қалби, нияти, тафаккури ва руҳий олами билан яхлит ҳолда ўрганган. Шу жиҳатдан унинг илмий мероси ислом тафаккурида ҳикмат, ахлоқ, руҳият ва маърифат масалаларини бир тизимда тадқиқ этган ноёб илмий мактабдир.

Шунингдек, аллома илмий меросига мансуб қўлёзмалар, қадимий китоблар ва бошқа маданий бойликларни тадқиқ этиш, реставрация қилиш ҳамда муносиб сақлаш бўйича вазифалар белгиланди. Фанлар академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Маданий мерос агентлигининг бу йўналишдаги ҳамкорлиги миллий қўлёзмашунослигимиз тараққиётига янги суръат бағишлайди.

Ҳаким Термизий меросини ўрганиш фақат академик доиралар вазифаси эмас. Унда илгари сурилган илм, ахлоқ, қалб поклиги, ҳалоллик, сабр, шукроналик ва инсонпарварлик гоёлари ёш авлод тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга.

Қарорда термизий алломаларнинг бағрикенглик, инсонпарварлик ва маънавий покликка доир гоёларини ўрганиш ва оммалаштириш, термизийшуносликка оид тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ижтимоий буюртмаларини эълон қилиб бориш тавсия этилди.


Диний таълим муассасалари талабалари ўртасида “Ҳаким Термизий асарлари билим-дон” танловини ўтказиш белгилангани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу танлов ёшларни аллома асарларини бевосита мутолаа қилиш, улардаги гоёларни англаш ва замонавий ҳаёт билан боғлаб таҳлил этишга ундайди.

Бугунги мураккаб ахборот муҳитида ёшлар аждодаларимизнинг соф илмий меросини қанчалик пухта билса, диний тушунчаларни бузиб талқин қилувчи сохта даъватлар ва ёт гоёларга қарши шунчалик мустаҳкам маънавий иммунитетга эга бўлади.

Қарорда Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуаси ва унга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, уни замонавий маърифат ва зиёрат масканига айлантириш вазифаси ҳам белгиланди.

Бу ёндашув тарихий обидани таъмирлаш билангина чекланмайди. Мажмуада алломанинг ҳаёти ва илмий меросини акс эттирувчи замонавий экспозициялар, рақамли ахборот тизимлари, турли тиллардаги аудио ва видео-материаллар, электрон кутубхона ҳамда интерактив таълим воситаларини жорий этиш имконини беради.

Натижада Ҳаким Термизий мажмуаси табаррук зиёратгоҳ бўлиш билан бирга маҳалли ва хорижий сайёҳлар, олимлар, талаба-



лар ва ёшлар учун халқаро илмий-маърифий марказга айланади. Бу эса Термизни жаҳон ислом цивилизациясининг қадимий илм марказларидан бири сифатида кенг тарғиб этишга хизмат қиладди.

Қарорда “Термизий ҳикматлари” рукни остида кўрсатувлар, эшиттиришлар ва инфографикалар тайёрлаш, аллома таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган эсдалик буюмлар, почта маркалари ва тақвимлар

яратиш ҳам назарда тутилган. Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган халқаро кураш турнирини “Мардлар майдони” шиори остида юқори савияда ўтказиш ва унинг халқаро бредини шакллантириш ҳам маънавий мерос билан миллий спортни уйғунлаштиради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон буюк алломалар меросини халқаро майдонларда тақдим этиш орқали ўзига хос маърифий дипломатияни амалга оширмоқда. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий ва Ҳаким Термизий асарларидаги тинчлик, адолат, бағрикенглик ва инсонпарварлик гоёлари нафақат мусулмон олами, балки бутун инсоният учун умумий маънавий бойликдир.

Таъкидлаганимиздек, яқинда ўтказилган Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми ҳам Ўзбекистоннинг ана шу маънавий-илмий миссиясини яққол намоён этди. Форум иштирокчилари мамлакатимизнинг ислом илм-фани, маданияти ва маърифатининг қадимий бешикларидан бири сифатида гуманитар ҳамкорлик ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотдаги мавқеи мустаҳкамланиб бораётганини эътироф этди.

Ҳаким Термизий таваллудининг 1200 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш эса бу жараённинг навбатдаги муҳим босқичи бўлади. Аллома меросидаги қалб поклиги, илм ва амал уйғунлиги, инсонпарварлик, муътадиллик ва маънавий масъулият гоёлари Ўзбекистоннинг жаҳонга йўллаётган маърифат даъвати билан ҳамоҳангдир.

Муҳаддиснинг илмий-маънавий мероси тарих саҳифаларида қолиб кетган нодир ёдгорлик эмас. У ҳар бир даврда инсонни ўз қалбига назар солишга, илмни ҳикмат, эътиқодни ахлоқ, ҳуқуқни масъулият билан уйғунлаштиришга қақирувчи ҳаётбахш манбадир.

Президентимизнинг ушбу қарори аллома таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш билан бирга термизийшуносликнинг узоқ мuddати тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратди. Асарларнинг академик нашрлари, қўлёзмаларнинг тадқиқ ва реставрация қилиниши, халқаро конференциялар, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳни замонавий маърифат масканига айлантириш каби вазифалар бир-бирини тўлдирувчи ягона илмий-маърифий дастурни ташкил этади.

“ Ҳаким Термизий меросининг йирик тадқиқотчиларидан Бернд Радтке ва Жон Ҳейн: “Ҳаким Термизий ҳижрий 205-215, милодий 820-830 йиллар орасида туғилган”, деган хулосага келган. Шу илмий хулосалардан келиб чиқиб, 2026 йилда аллома таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тарихий ва манбашунослик жиҳатидан асосланган муҳим қарор ҳисобланади.

ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Имом Термизий, Ҳаким Термизий ва Термиз ҳадисшунослик мактаби намоёндаларининг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси муҳокама қилинди. Конференцияда Ҳаким Термизий меросини замонавий илмий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш, қўлёзмаларни ўрганиш ва халқаро академик ҳамкорлиқни кенгайтиришга доир муҳим тақлифлар илгари сурилди.

ибн Бишр ибн Ҳорун Ҳаким Термизий тахминан 820-830 йиллар оралиғида Термизда туғилган.

Аллома илм ва маърифат муҳити ҳукмрон бўлган оилада вояга етган. Унинг отаси мусулмон дунёсида танилган муҳаддислардан бўлган. Онаси ва она томондан бобоси ҳам ҳадис илми билан шугуллангани қайд этилади. Шу боис, Ҳаким Термизий ёшлигиданоқ илмий муҳитда тарбия топди. Саккиз ёшидан

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Т-746.
29609 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳих: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 00:50 Топширилди — 00:50